

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ ВА МАЗМУНИ

**Рахимова Меҳрибон Абдухосиловна,
Наманган давлат университети таянч докторанти**

Аннотация: Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш босқичлари ва мазмуни ёритиб берилган. Муаллиф ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш даражалари ва ҳамкорлик соҳаларини аниқлаштирган.

Таянч сўзлар: кўникма, малака, ижтимоий кўникма, хулқ-атвор, ривожлантириш, босқич, мазмун, даража .

Аннотация: В статье описаны этапы и содержание развития социальных навыков у младших школьников. Автор выделяет уровни развития социальных навыков и направления сотрудничества.

Ключевые слова: умение, квалификация, социальный навык, поведение, развитие, этап, содержание, степень.

Annotatsion. The article describes the stages and content of the development of social skills in primary school children. The author identifies the levels of development of social skills and areas of cooperation.

Key words: ability, skills, social skills, behavior, development stage, the content of the degree.

Миллий психология ва педагогикада боланинг ижтимоийлашув жараёни ва унинг таълим-тарбияси ўртасидаги муносабатларни ўрнатишнинг ўтмишдан сақланиб келаётган катта тажрибаси мавжуд. Аммо бунда ижтимоийлашув, қоида тариқасида кенг маънода, яъни ўсиб келаётган авлоднинг анъана ва кадриятларни ўзлаштириши ҳамда ижтимоий тажрибани фаол қайта қўллаш туфайли жамият ҳаётида иштирок этиш жараёни ва натижаси сифатида тушунилади. Мазкур ҳолат:

- бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига мос равишда ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларини мақсадли йўлга қўйишга доир педагогик таъминотга бўлган зарурат ва ушбу муаммо бўйича илмий асосланган амалий ёндашувларни ишлаб чиқишга етарлича эътибор бермаслик ўртасида;

- замонавий таълим жараёнининг коммуникатив ва ижтимоий йўналишини амалга оширишга бўлган зарурат билан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга назарий ёндашувларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги ўртасида;

- фаолият субъекти сифатида бошланғич синф ўқувчисини ривожлантиришга замонавий бошланғич таълимнинг умумий кўрсатмаси ва анъанавий тарзда ижро этувчи компонентини амалга оширишга йўналтирилган болалар фаолиятини ташкил этиш шакллари ўртасида қатор

карама-қаршиликларни келтириб чиқаради.

Шу сабабли, жамиятда ўсиб келаётган авлодни фаол ижтимоийлашувига бўлган зарурат ва ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришга етарлича эътибор қаратмаслик, шунингдек, мактаб амалиётига бўлган эҳтиёж ва ушбу муаммони амалга ошириш механизмларининг ишлаб чиқилмаганлиги ўртасидаги қарама-қаршилик кўзга ташлаади. Регламентли ёндашув асосан фақат бир бўғинда: ёки синфдан ташқари фаолият ёки катта мактаб ёшидаги ўқувчилар билан ишлашда қўлланилади. Бу бизнинг фикримизча, юқори натижадорликка эришиш имкониятини пасайтиради.

Ижтимоий жиҳатдан мақбул хулқ-атвор шакллари шакллантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда улардан янги муносабатлар тизимида фойдаланишни амалга ошириш имкони бор, деб ҳисоблаймиз. Хулқ-атворга оид вазифаларни ҳал қилишнинг тез-тез такрорланадиган усуллари одатларга айланиб қолади. Буни Л.И.Божовичнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Унга кўра, муайян шахсий фазилатлар асосида бола хулқ-атворининг белгиланган ва одатий шакллари ётади. Ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш ҳақида гапирганда, ўзингиз ёки бошқа бировга суст тақлид қилишга эмас, балки ижодий ўзгаришларга имкон берадиган самарали таъсир кўрсатиш меъёр ва воситаларига мувофиқ тақдим этилган вазиятда фаол ва онгли хатти-ҳаракатларга урғу бериш керак. Айнан шу турдаги хатти-ҳаракатлар ижтимоийлашувнинг юқори даражасига тўғри келади ва унда ўз шахсияти, атроф-муҳит ва ўз фаолиятини баҳолаш билан боғлиқ бўлган англаш элементи мавжуд.

Ижтимоий қулай шароитларда бошланғич синф ўқувчиси атрофдаги дунё билан ўз муносабатларининг юқори даражасига эришиши мумкин. У фақат мазмун-моҳиятни ўзида ифода этиши ёки умуман ўзини ижтимоий ҳаётдаги салбий тенденцияларнинг ташувчиси сифатида кўрсатиши, ўз-ўзини ривожлантириш имкониятини фаол равишда амалга ошириши ёки ижобий ижтимоий мазмунни ўз-ўзидан ва қисман намоён этиши мумкин. Айнан ўқитувчи мазкур ёш даврининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда маълум шароитларни яратиб, ўқувчиларни ҳар томонлама ривожлантиришга доир билан табиий равишда шуғулланиши мумкин. Замонавий бошланғич таълимни ривожлантиришнинг етакчи тенденцияси нафақат ўқувчиларнинг бошланғич билим, кўникма ва малакаларни эгаллаши, энг муҳим интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш, балки бола шахсининг умумий ривожланиши таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, унинг муваффақиятли ижтимоийлашуви учун зарур ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришни ўз ичига олади.

Ижтимоий кўникмалар деганда биз ижтимоий хулқ-атворнинг барқарор шакллари тушунаемиз. Кўникма – бу фаолиятнинг барқарор элементи, ижтимоий ҳаракат.

Ижтимоий хулқ-атвор кўникмалари ҳақида гапирганда, биз нафақат мазкур йўналишга доир билимлар, балки уларни қўллаш, ролли хатти-ҳаракат меъёр ва қоидалари, ижтимоий функциялар, урф-одатларга кадриятли муносабатни ҳам назарда тутамиз. Амалиётда ижобий тасдиғини

топиб, самарали натижага эришиш имконини берадиган атрофдагилар билан ўзаро алоқалар тизимида тўпланган энг аҳамиятли шахсий тажрибани қайд этиш муҳимдир.

Кўникмалар – бу нафақат яхши машқ қилинган ва ўзлаштирилган, балки энг аввало, муайян хатти-ҳаракатлар моделини қабул қилиш ҳамда англашга асосланган ҳаракатлардир. “Ижтимоий кўникма” тушунчасида, бизнинг ҳолатда, бу қисман инсон фаол фойдаланадиган баъзи бир амалга оширилган малакалар эканлигига урғу берилади. Ижтимоий малакалар – бу бир нечта ижтимоий кўникмаларнинг элементларини ўз ичига олган хулқ-атворнинг юқори даражаси. Улар орасида хатти-ҳаракатлар, ўз ички дунёси билан муомала усуллари ҳам мавжуд. Яъни ижтимоий малакаларни шахсга оид ҳаракатлар деб ҳисоблаш мумкин бўлиб, уларнинг предметли мазмунини шахслараро ва шахсга оид ички таъсир усуллари ташкил қилади.

Шундай қилиб, ижтимоий кўникма ва малакалар – бу ижтимоий хулқ-атворнинг ўзлаштирилган элементлари бўлиб, улар ижтимоий олам, ўзи ва бу ёруғ дунёдаги ўрни ҳақидаги билимларга, ижтимоий ўзаро алоқаларни осонлаштирадиган хатти-ҳаракатлар ҳақидаги билимларга ҳамда инсонга атроф-муҳит билан муносабатларни самарали равишда ўрнатишга, ўз ўрнини белгилаб олишга ва ўзлигини намоён қилишга имкон берадиган ҳаракатларга асосланади ҳамда бу муваффақиятли ижтимоий мослашув ва умуман ижтимоийлашишга ёрдам беради.

Ижтимоий кўникмаларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардан иборат:

- ижтимоий-маданий меъёрларни билиш, улардан толерант хулқ-атвор моделининг намунавий асоси сифатида фойдаланиш қобилияти;

- атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларда ўз ҳис-туйғулари, эмоцияларини тушуниш, уларни ижтимоий мақбул ҳамда мос шаклда ифода этиш қобилияти;

- ўзининг индивидуаллиги ва кадр-қиммати, шунингдек, бошқа инсонлар шахсининг кадр-қимматини англаш;

- атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларда юзага келадиган одатий муаммоли вазиятларни англай олиш қобилияти, конструктив ечимларни излашга интилиш;

- умумижтимоий ва шахсий тажрибани умумлаштириш қобилияти.

Болаларда кўникмаларни шакллантиришни ривожланишнинг фаолиятли модели сифатида тушуниш мақсадга мувофиқ. Бунда муайян вазиятда онгли ва моҳирона хатти-ҳаракатларни намоён этган болаларнинг билим ва тажрибаларига урғу берилади, бу эса унинг атроф-муҳит билан муносабатлар тизимига қандай таъсир қилишини аниқлашга имкон беради. Ижтимоий кўникма ва малакаларни ривожлантириш шуни назарда тутадик, инсоннинг ўзи ва бошқалар (ўзи, бошқалар, ижтимоий-тарихий) ҳақидаги умумлаштирилган психологик билимлар тажрибаси асосида ҳар қандай муаммони самарали ҳал этиши мумкин. Ижтимоий кўникмаларнинг юқори даражаси нафақат бошқа кишининг тажрибасини кўчириш, маълум қоидалар, стереотиплар, муносабатларга риоя қилиш, балки турли вазият ва шароитларда билим ва малакалардан етарли даражада фойдаланишни

англатади.

Ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш жараёнининг муҳим буғини – бу фаолият ва хулқ-атворнинг бир қисми бўлган мураккаб руҳий ҳаракатларни шахснинг ўзи томонидан бошқарилишидир. Ижтимоий хулқ-атворни бошқариш ўзини ўзи англаш ва ўзига нисбатан эмоционал-қадриятли муносабат таркиб топтиришни назарда тутди. Ушбу жараён хулқ-атвор ҳаракатини амалга оширишнинг барча босқичларида – унинг мотивацион таркибий асосдан фаолиятга доир компонентгача фаолликни таъминлашни тақозо этади.

Мактаб ижтимоий муассаса сифатида қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим: атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларнинг меъёрлари, тамойиллари ва усуллари тўғрисида маълумот бериш ва уларга нисбатан шахсий муносабатни шакллантириш; мавжуд тажриба, билим, қадриятли йўналишлар, шунингдек, шахсга оид сифатлар ва коммуникатив малакаларини ривожлантиришга асосланган ҳолда, шахснинг муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ташқи ва ички фаолияти самарадорлигини таъминлаш; ҳаётда ўз ўрнини топиш, уни онгли тарзда лойиҳалаштириш – мустақил ҳаётга тайёрлашда аниқ мўлжални олишга ўргатиш.

Билим англаш жараёнининг натижаси сифатида тасаввурлар, мулоҳазалар, тушунчаларда ифодаланади. Қадриятлар инсон фаолиятига тушуниш, баҳолаш жиҳатларини олиб киради ва хулқ-атвор мотивларига айланган ҳолда, шахснинг қадриятли йўналганлигини айланади. Таълим ташкилотининг вазифаларидан бири ўқувчиларга қадриятлар тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беришдан иборат. Қадриятлар тизими ўзини ва бошқаларни баҳолаш, ўз муносабатини ифода этиш, ўз танловини амалга ошириш учун зарур бўлган координаталар тизими вазифасини бажаради. Қадрият меъёрдан фарқли ўлароқ, танлаш имкониятини беради ва шунинг учун айнан танлов вазиятида қадриятли-мазмунли компонентга тегишли хусусиятлар яққолроқ намоён бўлади. Бундай ҳолда қадрият мотив сифатида намоён бўлиши мумкин, яъни инсоннинг реал ҳаракатларга ундаши ва йўналтириши мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш компонентлари уларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши керак:

- ўзини ижтимоий индивид сифатида қабул қилиш мактабда ўқишга бўлган кучли мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради ва бу янги шахсий таълим “ўқувчининг ички позицияси” деб таърифланади;

- эркинликни ривожлантириш, бу хатти-ҳаракатларда онгли равишда мақсадларни қўйиш, уларга эришиш воситаларини излаш ва топиш, қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтиш, шунингдек, ички режада ҳаракатларни режалаштириш ва бажариш қобилиятини шакллантиришда намоён бўлади;

- рефлексияни шакллантириш, бу ўз мулоҳаза ва ҳаракатларини ўйлаб қўйилган режага мувофиқлиги нуқтаи назаридан онгли ва объектив равишда таҳлил қилиш ва баҳолашга имкон беради.

Ижтимоий кўникманинг тузилмасини биз когнитив-мотивацион, фаолиятли, рефлексив-баҳоловчи ва хулқ-атвор компонентлари йиғиндиси сифатида талқин қилдик ва уларни таълим жараёнида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни ривожлантиришнинг босқичлари сифатида қабул қилдик. Таклиф этилаётган босқичларнинг ҳар бири аввалги даражанинг янгиланишларини ҳисобга олади ва янада бойитиб боради (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

**Бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий кўникмаларни
ривожлантириш босқичлари**

| № т/р | Босқичнинг номланиши ва мазмуни | Вазифалари | Кўрсаткичлари | Фаолиятни ташкил қилиш шакллари |
|-------|---|---|---|---|
| 1. | Когнитив (когнитив-мотивацион): болалар томонидан шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хулқ-атвор меъёрлари тўғрисида билимга бўлган эҳтиёжни, ўзаро муносабатларнинг айрим усулларини ўзлаштириш муҳимлигини англатиши | Ўқувчиларда билим олишга ижобий муносабатни шакллантириш, ушбу жараён аҳамиятини идрок этиш ва тушунишда фаолликка эришиш | - когнитив ва ижтимоий мотивацияни ошириш; - шахснинг ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш; - билим олиш жараёнини шахсий аҳамиятга эга сифатида англаш | - ўз тажрибасига мурожаат қилиш; - муаммоли вазиятлар; - ишбилармонлик ўйинлари; - ахлоқий суҳбатлар |
| 2. | Фаолиятли: ўқувчилар томонидан тенгдошлари билан конструктив ўзаро муносабатларга дои меъёр ва усулларни ўзлаштириши | Тенгдошлари билан ўзаро муносабатларнинг меъёрлари ва усуллари интериоризацияси, билимларни ўзлаштиришдан уларни қўллаш даражасига ўтиш | - ўзаро алоқаларда, муносабатларни ўрнатишда ташаббускорликнинг мавжудлиги; - ўзаро алоқалар усуллари ҳақидаги билимларни амалда ситуатив қўллаш | - ахлоқий вазиятларни ҳал қилиш; - ҳамкорликдаги фаолият; - ишбилармонлик ўйинлари; - тренинг |
| 3. | Рефлексив-баҳоловчи: ўзаро алоқаларни конструктив йўллар билан аҳамиятини тушуниш ва рефлексив фаолиятни амалга ошира олиш (ўз хатти-ҳаракатларини, ишларини, ўз ички ҳолатини, ҳис-туйғуларини англаш ва баҳолаш, ўз билимидаги фарқни англаш, ўз ютуқларини кўра олиш) | Ўз ички ҳолатини ҳисобга олган ҳолда хатти-ҳаракатлар моделини эркин ва онгли равишда танлаш қобилиятини ривожлантириш, ушбу ҳолатни тушуна билиш | - ўзини ва бошқани кадрият сифатида англаш. - ҳаракатлар мотивларини тушуниш ва ҳам ўз фаолияти, ҳам бошқаларнинг фаолиятига адекват баҳо бериш. - мавжуд маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, хатти-ҳаракатлар | - ахлоқий вазиятларни таҳлил қилиш; - тренинг; - тестлар ва анкеталар, ўз-ўзини кузатиш |

| | | | | |
|----|--|--|---|---|
| | | | оқибатларини олдиндан кўра олиш қобилияти | |
| 4. | Хулқ-атворга оид: Турли хил шакл ва вазиятларда ўзаро муносабатларни билиш ва мавжуд тажрибадан фойдаланиш | Ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни янада такомиллаштириш; ўзаро муносабатнинг ўзлаштирилган меъёр ва усуллари кенгрок мулоқот соҳасига ўтказиш қобилиятини рағбатлантириш | - когнитив ва ижтимоий фаолликнинг устунлиги билан бошқаларга яққол йўналтирилганлик. - ҳаракат ва мулоҳазаларда танқидийлик, мослашувчанлик ва мустақиллик. - ўз индивидуаллигини адекват усуллар билан ифода этиш. - турли вазиятларда хатти-ҳаракатларнинг ўзгаришини тушуниш қобилияти | -ишбилармонлик ўйинлари. -реал вазиятлар. - тест ва анкеталар, ўз-ўзини кузатиш |

Когнитив-мотивацион компонент ўқувчилар томонидан шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билишга бўлган эҳтиёжнинг англаганлиги, ушбу билимларнинг аҳамиятини тушуниш, уларга ўз муносабатини ифода этиш, хулқ-атвор меъёрларини билиш ва ўзаро муносабатларнинг муайян усуллари ўзлаштиришнинг муҳимлигини англаб етишни назарда тутди.

Фаолиятли компонент мақсад қўйиш, ҳаракатларни режалаштириш, конструктив ўзаро муносабатларнинг меъёрлари ва усуллари ўзлаштириш қобилиятларини ўз ичига олади.

Рефлексив-баҳоловчи компонент бизнинг фикримизча, ўз хатти-ҳаракатларини, ишларини, ички ҳолатини, ҳис-туйғуларини, мулоҳазаларини англаш ва баҳолаш қобилиятини, ўз билимлари доирасини англаш, ўз ютуғини кўра олишни назарда тутди.

Хулқ-атвор компоненти турли шакл ва вазиятларда ўзаро ҳамкорлик усуллари билиш ва мавжуд тажрибадан фойдаланишни назарда тутди.

Ижтимоий хулқ-атвор қуйидаги асосда қурилиши мумкин:

- ўз ният ва истаклари орасида “Мен”ини англаб олиш орқали;
- инсонлар орасида “Мен”ини англаб олиш;
- жамиятдаги қадриятлар, ахлоқ ва маданият меъёрлари орасида “Мен”ини англаб олиш.

Таклиф этилаётган компонентлар ва уларнинг намоён бўлиш соҳаларини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий кўникмаларнинг ривожланиш даражалари хусусиятлари қуйидаги тарзда аниқлаштирилди (2-жадвал).

**Бошланғич синф ўқувчиларининг ижтимоий кўникмаларини
ривожлантириш даражалари ва ижтимоий ҳамкорлик соҳалари**

| Ижтимоий кўникмаларнинг ривожланиш даражаси | Ижтимоий ҳамкорлик соҳаси | | |
|---|---|--|---|
| | Ўзини тушуниш, ўзига муносабат (Мен-образ, Мен-концепция) | Тенгдошлар гуруҳига муносабат | Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган фаолиятга (таълим, мулоқот, жамоат) муносабат |
| Паст (Ундовчи) | <p>Билишга интилишнинг маълум бир даражаси, бу жараёни шахсан аҳамиятли деб тушунишнинг паст даражаси. Ўзининг кучли томонларини адекват баҳолаш ва ишлата олмаслик, ўз индивидуаллигини ситуатив англаш. Ўзини намоён қилиш учун ноадекват (агрессив) усуллардан фойдаланиши мумкин, кўпинча ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини рад этади ёки ошириб юборади, ўз эмоцияларини бошқаришда қийинчиликларга дуч келади; ўзини намоён қилиш интилмайди.</p> | <p>Бошқаларнинг индивидуаллигини тан олади, лекин уни ўзи учун муҳим жиҳат сифатида ажратиб кўрсатмайди. Одамлар ўртасидаги муносабатлар тизимини тушунишга интилиш намоён бўлмайди. Бошқа кишини қадрият сифатида англаши шаклланмаган. Ўзига йўналтирилганлик устунлик қилади. Бошқаларга нисбатан ҳурмат билан муносабатнинг йўқлиги, юқори ташвишлик, агрессивлик. Мулоқотда конструктив усулларни қўлламайди. Ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам ҳуқуқларини бузиши мумкин. Ёрдам кўрсатиши мумкин, лекин бу одатда шерикларнинг эмоционал жозибаторлигига боғлиқ.</p> | <p>Муайян фаолиятда иштирок этиш муҳимлигини англашнинг паст даражаси. Унда катнашиш орқали фаол ҳаракатлардан қочади, ижрочи позициясини афзал кўради. Ташаббус, масъулият, мустақиллик йўқ. У турли хил психологик муаммоларни ечишда масъулиятни ўз зиммасига олишга ҳаракат қилади, қоида тариқасида у раҳбарларнинг фикрига эътибор беради. Ўзаро ҳамкорликнинг минимал тажрибаси.</p> |
| Ўрта (баҳоловчи-рефлексив, қабул қилувчи) | <p>Шахсий билим олиш жараёнига тайёр бўлиб, ўзининг кучли томонларини таҳлил қилишга уриниб кўради ва ўзини намоён қилишга интилади. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари</p> | <p>Бошқаларнинг индивидуаллигини тан олади. Атрофдагиларга аҳамият билан эътибор қаратади, ҳурмат билан муносабатда бўлади. Тенгдошлари билан</p> | <p>Белгиланган фаолиятнинг муҳимлигини тушунади ва қабул қилади, унда завқ билан иштирок этади, масалан, бошқанинг илтимосига биноан</p> |

| | | | |
|---|---|--|---|
| | <p>тўғрисида тасаввурга эга. Ўз-ўзини баҳолаш адекват даражага яқин. Одатда ўз мотивларини англайди.</p> | <p>мулоқотда у конструктив ҳамкорлик усулларидан фойдаланишга ҳаракат қилади.</p> | <p>масъулиятни ўз зиммасига олиши мумкин. Ҳаракатнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиши мумкин, аммо ҳар доим ҳам вазиятни ҳисобга олмайди, шаблонлар, стереотиплардан фойдаланади.</p> |
| <p>Юқори (интегратив, импровизацияли)</p> | <p>Билим олиш жараёнини шахсан аҳамиятли деб тушунади, ўзига ижобий муносабатда бўлади. Ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билади ва уларни фаолиятида амалга оширади. У ўз индивидуаллигини адекват усуллар билан ифода эта олади, ўз эмоцияларини бошқара олади.</p> | <p>Атрофдагиларнинг салоҳиятини тушунади, бошқаларга нисбатан хайрихоҳ, ҳурмат билан муносабатда, ўзини шеригининг ўрнига қўя олади. Ўз манфаатларини ҳам, атрофдагиларнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олади, ўзаро муносабатларда хулқ-атворнинг конструктив шаклларида фойдаланишга ҳаракат қилади. Ўзининг ва ўртоқларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ўзаро муносабатларни ўрнатади, бошқа учун муҳимроқ вазиятда йўл беришга тайёр.</p> | <p>Атрофдагиларга фойда келтиришга интилади. Ахлоқий категориялар асосида вазиятни баҳолаб, қарор қабул қилади. Ўз фаолиятини таҳлил қилади. Ўзаро муносабатлар жараёнида фаол, масъулиятни ўз зиммасига олишга ва барча турдаги мажбуриятларни ижодий бажаришга тайёр.</p> |

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларда ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш учун уларнинг ўзаро ҳамкорлик усуллари, хулқ-атвор меъёрлари ва қадриятли йўналганлик тўғрисидаги билим даражасини аниқлаш, бошқалар билан самарали мулоқотда бўлиш кўникмаларини шакллантириш даражасини ўрганиш, муайян вазиятга мувофиқ маълум бир хулқ-атвор йўналишини оқилона танлаш қобилияти, шунингдек эркин фикр билдириш имкониятларидан фойдаланиш қобилиятини ўрганиш керак.

Адабиётлар:

1. Blake PR, Rand DG, Tingley D, Warneken F. 2015. The shadow of the future promotes cooperation in a repeated prisoner's dilemma for children. *Sci Rep.* 5:14559.
2. Block K, Gibbs L, Staiger PK, Gold L, Johnson B, Macfarlane S, Long C, Townsend M. 2012. Growing community: the impact of the Stephanie Alexander Kitchen Garden Program on the social and learning environment in primary schools. *Health Educ Behav.* 39(4):419-32.
3. Cortes Barragan R and Dweck CS. 2014. Rethinking natural altruism: simple reciprocal interactions trigger children's benevolence. *Proc Natl Acad Sci U S A.* 111(48):17071-4.
4. Domberg A, Köymen B, Tomasello M. 2018. Children's reasoning with peers in cooperative and competitive contexts. *Br J Dev Psychol.* 36(1):64-77.
5. Flook L., Goldberg S.B., Pinger L., and Davidson R.J. 2015. Promoting prosocial behavior and self-regulatory skills in preschool children through a mindfulness-based Kindness Curriculum. *Dev Psychol.* 51(1):44-51.
6. Legoff DB and Sherman M. 2006. Long-term outcome of social skills intervention based on interactive LEGO play. *Autism.* 10(4):317-29.
7. Ozer EJ. 2007. The effects of school gardens on students and schools: conceptualization and considerations for maximizing healthy development. *Health Educ Behav.* 34(6):846-63.
8. Pellegrini AD, Dupuis D, and Smith PK. 2007. Play in evolution and development. *Developmental Review* 27: 261-276.
9. Pellegrini AD and Smith PK. 2005. *The nature of play: Great apes and humans.* New York: Guilford.